

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҚИММАТЛИҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Шамситдинова Хонзода Мардонбек кизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети талабаси
x.shamsitdinova@tsue.uz

ANNOTATSIYA

Рақамли иқтисодиётга утиш даврида молия бозорини янада ривожлантириш мамлакат иқтисодиётнинг иқтисодий ривожланишига ва ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақолада қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш учун тўсинлик қилаётган бир қанча муаммолар курсатилган ва уларни бартараф этиш юзасидан хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Молия бозори, қимматли қоғозлар бозори, капитал, волатиллик, Республика фонд биржаси.

Қимматли қоғозлар бозори ўзининг жозибаси ва имкониятлари билан барча даврларда глобал иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланган. Ўзининг эволюцион ривожланиш давлари босқичларида янгидан-янги молиявий элементлар – молиявий активларни ҳосил қилган. Аҳолининг турмуш даражаси ўзгариши ва кўшимча молиявий маблағларни пайдо бўлиши қимматли қоғозлар бозорига бўлган қизиқишни янада орттирди. Хусусан, АҚШ, Япония, Буюк Британия ва Хитой каби давлатларда қимматли қоғозлар бозори инвесторларнинг асосий диққат марказида ҳисобланади.


Ҳозирги кунда, рақамли иқтисодиёт шароитида миллий компанияларга аҳолининг бўш пул маблағларини йўналтириш, мамлакатга тўғридан-тўғри ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг макони бўлган молия бозори, хусусан қимматли қоғозлар бозорининг фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида қайд этилган бешта устувор йўналишидан бири бўлган «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» бўлимида «инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига ҳорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри

хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгилаб ўтилган»¹. XXI асрдаги илмий-техникавий жадаллашув, янги компьютер технологияларининг пайдо бўлиши барча соҳага таъсир кўрсатгани каби, қимматли қоғозлар бозорида ҳам янги ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, йирик фонд бозорлари инвесторлар учун интеграллашган компьютер платформаларини ишлаб чиқишди ва улардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишди. Ушбу йўналишни ўрганган иқтисодчи олимлардан Douglas Cumming, Sofia Johanларнинг «Capital-market effects of securities regulation: Prior conditions, implementation, and enforcement revisited» номли илмий тадқиқотларида таъкидланишича: «бозор иштирокчилари қимматли қоғозлар бозорини назоратга олишда компьютер технологиялари жуда муҳим аҳамият касб этишини билишади. Шунингдек, улар «волатиллик» яъни ўзгарувчанликга таъриф бериб ўтишган. Ҳар бир фирманинг волатиллиги ўтган 60 ой учун рентабелликдан фойдаланган ҳолда ҳисобланади. Ҳар бир биржа учун волатиллиги - бу ўртача қийматдан иборат бўлган фирмаларнинг волатиллигидан фирманинг ўртача тортилган бозор капиталлашуви ва кейинчалик йиллик ҳисобда ифодаланишидир. Фирманинг бозор капиталлашуви акцияларнинг охири ойлик акциялари ва акциялар нархлари ёки акциялар нархи бўлмаса, талаб ва таклифнинг ўртача баҳосига тенгдир.»² Қимматли қоғозлар бозорида компьютер технологиялардан кенг фойдаланиш орқали инвесторлар маълум бир активларнинг келажак баҳоси бўйича ўзгаришларни моделлаштиришлари мумкин. Хусусан, йирик институционал инвесторлар акциялар нархини башоратлашда ёки фойдани кўпайтиришда молиявий технологиялар сарасига кирувчи алгоритмик дастурлардан фойдаланишади. Ушбу дастурлар юқорида таъкидлангандек, қимматли қоғозларнинг волатиллиги узок даврлар кесимида ўрганиб, корреляцион ва регрессион таҳлиллар асосида башоратлаш моделини ишлаб чиқади.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари таркибини, хусусан, қимматли қоғозлар эгаларини таҳлили муҳим аҳамият касб этади.(1-расм)

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги фармони.Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон., Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.


² Douglas Cumming, Sofia Johan «Capital-market effects of securities regulation: Prior conditions, implementation, and enforcement revisited» Finance Research Letters Volume 31, December 2019 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612318307402>)



1-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар эгаларининг сони¹

Юқоридаги маълумотлардан, шунингдек мумкин, 2017 йилда 1 036 259 нафар депонентларнинг 92,4 фоизини жисмоний шахслар ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 4 йил давомида ўзгармай қолган. Депонентларнинг умумий сони 2020 йилнинг январ ҳолатига 807 301 нафарни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 12,6 фоизга камайган.

Республикада қимматли қоғозлар бозори асосан «Тошкент» Республика фонд биржаси ва «Эльсис савдо» акциядорлик жамиятлари томонидан ташкиллаштирилади. Қуйида Ўзбекистон фонд бозорига сармоя киритаётган инвесторлар таркиби кўрсатиб ўтилган бўлиб, «Тошкент» Республика фонд биржаси маълумотлари асосида таҳлил этилган. (2-расм)




2-расм. Инвесторлар кесимида биржа айланмаси²

Маълумотлар асосида шунингдек мумкин, 2015 йил жами фонд бозори айланмасида жисмоний шахсларнинг улуши 18,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 2 фоизга камайган. Аҳолининг даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида жисмоний шахсларнинг реал даромадлари ўсиш тенденцияси кузатилди ва қўшимча маблағлар асосан фонд бозорларига олиб кирилганлигини 2017-2018 йиллардаги инвесторлар таркибининг кескин ўзгариш билан кўришимиз мумкин.

¹Муаллиф томонидан «Қимматлиқоғозлармарказийдепозитарийси» давлаткорхонаси маълумотлари асосида таъйрланган (<http://www.deponet.uz/>)

² «Тошкент» Республика фонд биржасирасмий маълумотлари: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)



3-расм. «Тошкент» РФБда инвесторлар кесимида биржа айланмаси, фоизда¹

Биржа айланмасидаги жисмоний шахслар улуши 2017 йилда 32,2 фоизни ташкил этган бўлиб, 96,15 млрд. сўмлик савдо операцияларини амалга оширилган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич 57 фоизни, қийматда эса 392,6 млрд. сўмни ташкил этган. Инвестицияни жойлаштириш манбалари таҳлилига кўра, 2017 йилда жисмоний шахсларнинг 94,5 фоизи банк, 2,2 фоизи қишлоқ хўжалиги, 0,8 фоизи саноат тармоқлари соҳасига, 0,8 фоизи транспорт соҳасидаги акциядорлик жамиятларига инвестиция киритилган бўлса, 2018 йилда жисмоний шахсларнинг 90,2 фоизи банк, 3,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, 3,0 фоизи қурулиш соҳасига тегишли бўлган компаниялар акцияларини сотиб олганлигини кўришимиз мумкин. Аён бўлмоқдаки, «Тошкент» РФБда 2017 йил жами фонд бозори айланмасида жисмоний шахсларнинг улуши 32,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 2,4 фоизли пунктга камайган.

Хулоса қилганда, миллий иқтиодиётни рақобатбардошигини ошириш ва уни салоҳиятини кучайтиришда барча тармоқларга инновацияларни жорий этиш ҳамда рақамлаштириш долзарб аҳамият касб этиб, ушбу ўринда қимматли қоғозлар бозорини инфратузилмасини янда ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон., Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.
2. Douglas Cumming, Sofia Johan «Capital-market effects of securities regulation: Prior conditions, implementation, and enforcement revisited» Finance Research

¹ «Тошкент» РФБрасмий маълумотлари: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)

Letters Volume 31, December 2019

(<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612318307402>)

3. Муаллиф томонидан “Қимматлиқоғозлармарказийдепозитарийси”
давлаткорхонаси маълумотлари асосида таёйрланган (<http://www.deponet.uz/>)

4. “Тошкент” Республика фонд биржасирасмий маълумотлари:
(<https://www.uzse.uz/system/analytics>)

5. “Тошкент” РФБрасмий маълумотлари: (<https://www.uzse.uz/system/analytics>)